Баъзи манбааларда Волга (Идил) булгорлари Исломни милодий 922 йили кабул килишган, дейилади. Аслида, динимиз бу ерларга аввалрок кириб келган, бунгача хам катор масжидлар ишлаб турган.
Ислом дини ёйилиши баробарида Булгор мамлакатида Куръони Карим ва унинг тафсирлари хам пайдо бўла бошлайди. Ўша пайтда Куръонни бошка тилларга таржима килиш анъанаси бўлмагани учун татарларда уни огзаки тафсир ва таъвил килиш авж олди. Туркий халклар орасида маълум Табарий, Абу Бакр, Абдуссалом Казвинийлар тафсири жуда катта — ўттиздан уч юз жилдгача бўлгани учун ундаги мазмун ва киссаларни бадиий асар килиш хам шакллана бошлади. Рабгузийнинг «Кисас ул-анбиё», Махмуд Булгорийнинг «Жаннат эшиги», Сайфи Саройининг «Туркий Гулистон» каби асарлари шулар жумласидандир.
Ўн тўккизинчи асрга келиб, татарлар орасидан Куръони Карим маъноларини таржима ва тафсир килган олимлар етишиб чикди. Бу сохадаги илк уринишни таникли аллома Абдунносир Курсавий (1776-1812) амалга оширди. Хозир Козон кутубхоналарида унинг каламига мансуб «Хафтияк тафсири»нинг тошбосма нусхалари сакланмокда. Татар тарихчиси ва адиби Тожиддин Ёлчигул (1768-1838) хам «Хафтияк»ка тафсир ёзган. Куръони Каримнинг тўларок тафсирини татар тарихчиси ва илохиётчиси Хусайн Амирхонов (1814-1893) амалга оширди. Кейинчалик, 1910-1911 йиллари татар олими ва шоири Мухаммад Содик Имомкулининг икки жилдли «Тасхил ул-баён фит тафсир ул-Куръон» китоби чоп этилди ва айнан шу тафсир якинда Катарда «Собик Совет Иттифоки мусулмон туркларига совга» сифатида кайта нашр килинди. Йигирманчи асрда татарлардан Шайхулислом Хамидийнинг «Ал-иткон фит таржимат ул-Куръон» тафсири хам машхур эди.
1907 йили Козонда чоп этилган «Ал-иткон» нусхаси кейинчалик Япония, Туркия, Катарда кайта нашр килинди. Абдунносир Курсавийнинг шогирди Мулла Нўъмоннинг тафсири хам туркий халклар ўртасида кенг таркалган. Шунингдек, ўтган асрда Бурхон Шароф, Сунъатуллох Бекпўлат, Мурод Рамзий, Мусо Бегиев ва бошкаларнинг тафсир хамда маъно таржималари пайдо бўлди.
Ўн тўккизинчи асрда Козонда босмахоналар пайдо бўла бошлади. Аммо чор хукумати татарларга босмахона тутишга ижозат бермаган, татарча ва арабча китобларни нашр этиш рус матбаачилари кўлида эди. 1856 йили Кукубин босмахонасида Куръони Карим чоп этилди. Афсуски, бу нашрда 356 та имловий хатога йўл кўйилган эди. Бирок татарларнинг ўз вактли матбуоти бўлмагани учун бу холат кенг жамоатчилик эътиборидан четда колди.
Ўша даврда Иван Николаевич Харитонов босмахонаси ном чикарган эди. Татарноширларининг хар кандай буюртмасини уддалашга кодир бўлган бу босмахонада хам Куръони Карим чоп этилди. Аммо иш кўнгилдагидек бажарилмади: айрим оятлар икки-уч мартадан кайтарилган, баъзи оятлар эса тушиб колган эди.
Матбуотда Харитоновни «фош этиш»га биринчи бўлиб ёзувчи Фотих Амирхон журъат килди. Матбаачи Харитонов бунга жавобан Куръоннинг «хато босилган» нусхаларини янгисига алмаштириб бериш, «келгусида бундай хатога йўл кўймаслик» хакида баёнот билан чикди. У бундай камчиликлар хар кандай матбаа корхонасида содир бўлиши мумкин, деб хисоблаб, ходисага унча жиддий карамади. Бирок бу унинг катта хатоси эди. Татар матбуоти якдиллик билан Харитоновга карши шиддатли «хужум» бошлади.

Кун тартибига Харитонов босмахонаси Куръонни касддан хато босганми ёки бу тасодифий ишкаллик эдими, деган масала кўйилди. Иван Харитонов босмахонада харф терувчиларни Ризвон Шарипов ва Зиннат Хисматуллинларнинг бепарволиги туфайли хато кетиб колган, дея тушунтирди. Лекин китобда матн диний кенгаш вакили Сафиуллох Абдуллин томонидан текшириб чикилган ва тасдикланган, деб кўрсатилган эди. Бу Харитоновнинг яна бир хатоси эди, чунки Абдуллин китоб хомакисини мутлако кўрмаган. Тўгри, унинг номи Куръоннинг аввалги нашрларида хам бор эди, босмахонада бу нашрга хам унинг номини шундоккина кўчириб кўяколди. Харитонов нега унга хомаки нусхани кўрсатмай, китобнинг хамма нусхасини бериб юборгани сирлигича колди. Ўша пайтда Куръонга талаб нихоятда катта бўлган (Русияда йилига икки юз минг нусха таркаларди) шароитда «кўшимча» тираж босилгани хакида гумон пайдо бўлади. Вахоланки, чор Русиясида матбаачилик иши хукуматнинг каттик назоратида бўлган. Афтидан, Харитонов куйма матнни яна бир бор мусулмон мухаррирга кўрсатиб олишга эринган кўринади. Табиийки, каттик газабланган Сафиуллох Абдуллин диний кенгашга мурожаат килиб, бу ишга алокаси йўклигини билдирган. Харитоновни судга бериш таклифи билан чикканлар хам бўлди. «Харитонов иши» аста-секин сусайса хам, бу вокеа унинг корхонаси учун халокатли бўлди — 1916 йили у босмахонасини сотиб, китобноширлигини бутунлай тарк этди.

Куръони Каримнинг босма нусхасини Харитоновдан аввал Козондаги «Сабох» ва «Умид» босмахоналари эгаси Хабибрахмон Забиров хам кўп нусхада чоп этган ва бу нусхалар Татаристондан ташкари Русия хамда Ўрта Осиёдаги бошка мусулмон ўлкаларда хам кенг таркалган эди. Октябрь инкилобидан кейин эса бу босмахоналар беркитиб ташланди. Орадан ўн беш йил ўтиб, 1932 йили Козонда галати жиноий иш фош этилди: «Козон шахридаги буржуа миллатчи унсурларни бирлаштирган Татаристондаги Султон Галиев ташкилоти филиали бир гурух кадрларининг аксилинкилобий фаолияти хакидаги иш»ни тергов килиш чогида «чидаб бўлмас» жиноят очилди: Козоннинг Комил Ёкуб номли босмахонасида Куръони Каримнинг куйма колиплари топилди. Бу хамма масжидлар ёпилган, диний китоблар йўк килинган, муллалар хайдалган ёки таъкиб этилган ўлкада Совет хокимиятининг ўн беш йиллигига гаройиб совга эди. Маълум бўлишича, Хабибрахмон Забиров «Сабох» ва «Умид» ёпилганидан кейин хукумат бир кун келиб яна Куръонни чоп этишга ижозат беради, деган умидда Куръони Каримнинг куйма колипларини яшириб кўйган экан. Бу хам камлик килгандай, Маориф Халк Комиссарлиги хайъатига Куръонни ўз босмахоналарида чоп этган ўша колиплар асосида кайта нашр этиш таклифини хам киритган экан. Забировнинг лойихасига кўра, Куръоннинг бор нусхасини Татаристон ва Бошкирдистонни истисно килган холда, асосан, хорижга ва Совет Иттифокининг миллий ўлкаларига таркатиш мўлжалланган эди. Аслида, татарноширининг бу таклифида жон бор эди. Чунки Куръони Каримнинг Козон босмаси харфларининг очик-ойдинлиги ва аниклиги билан бутун мусулмон оламида шухрат топган хамда Советларга катта даромад келтириши мумкин эди. Ўрни келганда шуни хам айтиш зарур, татар устаси Мухаммад Идрисий ишлаб чиккан ёзув машинкасининг арабча харф колиплари кейинрок Совет давлати томонидан араб мамалакатларига сотилган ва Шаркда машхур бўлиб кетган.

Аммо хамма ёкда «халк душманлари» тўлиб-тошган ўттизинчи йилларда тижорат-фойда хакида гапириш ўринсиз эди. Суд Хабибрахмон Забировнинг интилишларини «муносиб» бахолади: у ўзининг «фойдали таклифи» учун чекка шимолда ўташ шарти билан беш йил камок жазосини олди.

Куръони Каримнинг Козон босмаси тарихи бу билан тугамайди. Хозир у дунёнинг кўпгина мусулмон ўлкаларида кайта-кайта чоп этилмокда ва минглаб-миллионлаб мусулмонларнинг Аллох каломи билан ошно бўлишларига имкон яратмокда. Русия диёридаги илк босма китоблардан бўлган Козон босма Куръоннинг турк-татарларни Ислом асослари билан таништиришдаги ахамиятини, бу сохада татар матбаачилари ва ноширларининг хизматларини муносиб бахолашга эса сўз бойлигимиз камлик килади.

Озод ОХУНОВ,
Татаристон республикаси Фанлар академияси
Татар комуси филиали катта илмий ходими.